



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Ғаниев Ғайратжон

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0000-2915-5741

gayratganiyev83@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада олий таълим хизматлари тизими рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллари ҳамда ушбу омилларни мамлакат ривожига таъсирини такомиллаштиришнинг назарий ва услубий асослари чуқур ўрганилган. Тадқиқот жараёнларида олий таълим хизматларидаги таълим тизимини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишнинг илмий-амалий жиҳатларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: олий таълим, сунъий интеллект, таълим соҳаси, рақобатбардош, хизмат.

ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬ СИСТЕМЫ УСЛУГ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Ғаниев Ғайратжон

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В статье подробно исследуются факторы, влияющие на конкурентоспособность системы высшего образования, и теоретико-методологические основы повышения влияния этих факторов на развитие страны. В процессе исследования уделяется внимание научным и практическим аспектам развития системы высшего образования и повышения ее конкурентоспособности.

Ключевые слова: высшее образование, искусственный интеллект, образовательная сфера, конкурентоспособность, сервис.

FACTORS INFLUENCING THE COMPETITIVENESS OF THE HIGHER EDUCATION SYSTEM

G'aniev Gayratjon

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. This article examines in detail the factors influencing the competitiveness of the higher education system and the theoretical and methodological foundations for enhancing the impact of these factors on national development. The study focuses on the scientific and practical aspects of developing the higher education system and enhancing its competitiveness.

Keywords: higher education, artificial intelligence, educational sphere, competitiveness, service.

Кириш.

Жаҳон иқтисодиётини ривожланиши шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал тараққиётини таъминлаш учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш долзарб ҳисобланади. Жаҳоннинг тараққий этган етакчи давлатлар тажрибасига кўра, “Мамлакатни барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш учун, аҳолининг 40-50 фоизи олий маълумотли бўлиши керак” лиги илмий асосланган (Высшее образование сегодня, 2024). Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва юқори иқтисодий ўсишга эришишнинг муҳим иқтисодий шартлари республика олий таълим тизимини долзарб йўналишларини ривожлантириш ва натижада рақобатбардош, юқори билимга эга бўлган сифатли олий маълумотли кадрлар тайёрлашни тақозо этади. Шу билан бирга, республикада олий таълим учун долзарб йўналишларни белгилаш Ўзбекистон Республикаси томонидан тасдиқланиб, ижроси амалга оширилаётган “Ўзбекистон-2030” стратегияси (2023 йил 11 сентябрь ПФ-158) ҳамда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” (2022 йил 28 февраль ПФ-60-сон) каби ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда алоҳида топшириқ сифатида белгиланган.

Айниқса, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида “Олий таълим қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш” вазифаси белгиланган бўлиб, бунда Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга бориб, “Ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 50 фоизга етказиш” йўналиши асосланган.

Ушбу вазифани амалга ошириш учун республика олий таълим хизматлари рақобатбардошлигини оширишнинг иқтисодий механизмларини кучайтириш, яъни, олий таълим тизимини рақамли технологияларга асосланган ҳолда бошқаришни кўпайтириш, шу билан бирга олтий таълим муассасаларида рақамли технологияларга асосланган сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, “Ўзбекистон-2030” стратегиясидан келиб чиқиб, республикада “Олий таълим хизматлари рақобатбардошлигини ошириш” долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Бир гуруҳ хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан таълим хизматларининг маълум жиҳатлари очиқ берилган. Шевченконинг (2013) фикрича, «таълим хизматлари бозори бу сотувчи билан алмашиш муносабатларида чиқишга қодир бўлган ўзларининг таълимга бўлган эҳтиёжларини қондиришга интилувчи барча потенциал истеъмолчилардир».

Хашировнинг (2010) фикрича, таълим соҳасида бозор таълим хизматларига талаб ва таклифни тартибга солиш функцияларини бажарувчи бозор иқтисодиётининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Тартибга солиш мазмуни шундан иборатки, вақтнинг ҳар бир дақиқасида ўқув юртлари таълим хизматларининг таклифи миқдори ва сифати ёки мулк шакллари ва алоҳида истеъмолчилар таркиби билан мувофиқликда алоҳида ишлаб чиқарувчиларнинг муддатлар бўйича келишувидир. Бир қатор иқтисодчиларнинг фикрига мувофиқ, таълим хизматлари бозори таълим хизматларининг бевосита олди-сотди жараёнини тартибга солувчи муносабатлар эмас, балки у фақат талаб ва таклифни қондириш учун шарт-шароит яратади, холос.

Гордеева ва Дегтяреваларнинг (2017) фикрича, таълим хизматлари бозори – бу таълим хизматларини сотиб олиш ва сотиш бўйича иқтисодий субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимидир.

Иқтисодчиларнинг бошқа гуруҳи таълим хизматлари бозорини унинг шаклланиш механизми нуқтаи назаридан эътироф этадилар. Масалан, Шевелеванинг (1997) ишида таълим хизматлари бозори мазкур хизматларни ўзлаштириш бўйича умумий қарорларни қабул қилиш, субъектларнинг ўзаро мустақиллигини тавсифловчи

ва муомала соҳасига тегишли жамиятнинг ҳўжалик ҳаёти тизими сифатида қаралади. Бизнинг фикримизча, муаллифнинг ушбу қарашларида таълим хизматларининг моҳияти ёритишда кўпроқ умумий жиҳатларга урғу берилган ва жамиятнинг ижтимоий вазифаси сифатида умумий хусусияти акс эттирилган. Лекин унинг иқтисодий жиҳатлари муаллифнинг эътиборидан четда қолиб кетган.


Ватандош олимларимиздан Ахунова (2005) «таълим хизматлари бозори – таълим хизматларини олди-сотди жараёнлари натижасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар соҳаси эканлигини» таъкидлайди.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур илмий мақолада билиш назариясининг мантиқий ёндашув, индукция ва дедукция, қиёсий ва омилли таҳлил, замон ва макон, таққослаш, монографик кўзатиш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни олий таълим хизматлари рақобатбардошлигини оширишнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштиришда муҳим роль уйнайди. Бундан ташқари “Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” (2004) ҳам қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда кўрсатилган тартиб тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш давомида замон талабларига жавоб берадиган, барча жабҳаларда мамлакатимизни изчил ривожлантиришни таъминлаш шарт-шароитларига мос келадиган, бутун дунёда эътироф этилган ноёб узлуксиз таълимнинг миллий модели яратилди. Уйлаймизки, амалга оширилаётган юқоридаги вазифаларни тизимли йўлга қўйиш орқали олий таълим хизматларининг шаффоф рақобатбардош тизими яратилади.



1-расм. Олий таълим хизматлари тизими рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар

Эътиборли жиҳатлардан бири шундаки, бугунги кунда мамлакатимиз олий таълим муассасалари рақобатбардошлиги миллий иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Бутун дунёда кечаётган глобализация жараёнлари ва рақамли иқтисодиётнинг жадаллик билан ривожланаётганлиги таълим хизматларига бўлган талаб ва таклиф мувозанатини тубдан ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ олий таълим хизматлари сифатини ошириш, иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш долзарб вазифалардан бири сифатида майдонга чиқмоқда.

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган олий таълим хизматлари рақобатбардошлигини ошириш давр талабидир. Шу сабабли таълим хизматлари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни киритишни лозим топдик:

Юқоридагилардан келиб чиқиб, республика олий таълим хизматлари тизими рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар илмий асосланган. (1-расм).

1. Олий таълим муассасаларида таълим сифатининг оширилиши – тизимда фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, замонавий педагогик технологияларни жорий этиш.

2. Олий таълим муассасалари молиялаштириш тизимини диверсификация қилиш – давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги, грантлар, таълим кредитлари ҳамда ҳомийлик маблағларини жалб қилиш.

3. Олий таълим муассасалари учун инновацион инфратузилма яратиш – замонавий илмий лабораториялар, ИТ –кластерлар ва стартап марказларини ривожлантириш.

4. Олий таълим муассасаларида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш – қўшимча дастурлар, академик мобиллик ва халқаро аккредитация жараёнларини жадаллаштириш.

5. Олий таълим муассасаларида бозор талабларига мос таълим дастурларини ишлаб чиқиш – меҳнат бозорининг эҳтиёжларини (сўровнома натижаларига қараб) инобатга олган ҳолда таълим тизимини мослаштириш.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинми, бугунги глобаллашган ва рақамлашган дунёда олий таълим муассасалари нафақат маҳаллий, балки халқаро миқёсда ҳам рақобатбардош бўлиши керак. Бунинг учун таълим муассасалари юқори сифатли таълим хизматлари кўрсатиш, илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, ва талабаларни бозор эҳтиёжларига мос билим ва кўникмалар билан таъминлашга эътибор қаратиши зарур.

Юқоридаги омилларни тўғри ташкил қилиш асосида олий таълим хизматлари рақобатбардошлигини оширишга эришилади ҳамда таълим тизимида сезиларли рақобат муҳити юзага келади.

Адабиётлар /Literature/References:

Emerson Wagner Mainardes and João M. Ferreira (2011) *Creating a competitive advantage in Higher Education Institutions: proposal and test of a conceptual model*. *International Journal of Management in Education*, 5(2/3).

Giorgia Miotto, et al. (2020) *Reputation and legitimacy: Key factors for Higher Education Institutions' sustained competitive advantage*. *Journal of Business Research*, 112, pp. 342–353. <https://doi.org/10.1016/j.jbusres.2019.11.076>

Mazzarol, T. and Soutar, G.N. (1999) *Sustainable competitive advantage for educational institutions: a suggested model*. *International Journal of Educational Management*, 13(6), pp. 287–300.

- Ахунова, Г. (2005) *Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари*. Тошкент: Иқтисод-Молия. 244 б.
- Гордеева, Д.С. and Дектярева, Н.Г. (2017) *Экономика образования. Учебное пособие*. Челябинск: «Цицеро», С. 15.
- Дихтль, Е. and Хершген, Х. (1996) *Практический маркетинг*. М.: Высшая школа, ИНФРА-М, С. 21.
- Каҳҳоров, О. (2019) Олий таълим муассасалари маркетинг фаолияти самарадорлигини бошқариш. *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, №6.
- Саъдуллаева, Г.С. (2021) Олий таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. PhD диссертация автореферати. Тошкент: ТДИУ.
- Ўзбекистон Республикаси Қарори (2004) “Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”. 9 июль.
- Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2020) “Таълим тўғрисида”. 23 сентябрь. Available at: <https://lex.uz/docs/5013007>
- Хаширов, О.А. (2010) *Предпринимательства в сфере услуг*. Спб: Спб УэиФ, С. 31–45.
- Шевелева, С.С. (1997) *Открытия модель образования (синергический подход)*. М.: ИПЧ «Издательство Магистр».
- Шевченко, Д. А. (2013) *Маркетинговые исследования рынка образовательных услуг в России. Маркетинг в России и за рубежом*, №1, С. 25–32.